

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҚАЙТА ТИҚЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ
МИЛЛИЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ВОХИДОВ АКМАЛ УЛАШЕВИЧ

**ЯССИ ҚУЁШ СУВ ИСИТГИЧ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ПАНЕЛЛАРИДА
КЕЧАДИГАН ИССИҚЛИК ВА ГИДРАВЛИК ЖАРАЁНЛАР**

**05.05.06 – Қайта тикланидиган энергия турлари
асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ҚАРШИ – 2021

УДК 662.997÷ 621.47

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Philosophy Doctor(PhD)
on technical sciences**

Вохидов Акмал Улашевич

Ясси қуёш сув иситгич коллекторлари панелларида кечадиган иссиқлик
ва гидравлик жараёнлар 3

Вохидов Акмал Улашевич

Внутрипанельные тепло- и гидравлические процессы в плоских
солнечных водонагревательных коллекторах..... 21

Vokhidov Akmal Ulashevich

Intra panel thermal and hydraulic processes in flat-plate solar water heating
collectors..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ
МИЛЛИЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ВОХИДОВ АКМАЛ УЛАШЕВИЧ

**ЯССИ ҚУЁШ СУВ ИСИТГИЧ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ПАНЕЛЛАРИДА
КЕЧАДИГАН ИССИҚЛИК ВА ГИДРАВЛИК ЖАРАЁНЛАР**

**05.05.06 – Қайта тикланидиган энергия турлари
асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ҚАРШИ – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T925 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Физика-техника институти ва Қайта тикланадиган энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qmii.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Авезова Нилуфар Раббанакуловна

техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Рашидов Юсуф Каримович

техника фанлари доктори, профессор

Уришев Бобораим

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “4” декабрь соат 11-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти конференциялар зали. Тел.:(99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: qmii@qmii.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 14 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.:(99875) 224-02-89, факс: (99875) 224-13-95, e-mail: qmii@qmii.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «20» ноябрдаги № 5- рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Н. Узоқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., проф.

Х.А. Давлонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, PhD.

Б.У. Уришев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда қайта тикланадиган энергия манбаларига, хусусан, қуёш энергетикасига инвестициялар ҳажми ортиб бормоқда ва улардан фойдаланиш кўлами бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида анъанавий ёқилғи ресурсларининг тугаб бораётганлиги қуёш энергияси қурилмаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади¹. Жумладан, иссиқ сув таъминоти тизимларида қуёш энергияси асосидаги қурилмалардан фойдаланиш ҳисобига мазкур тизимда сарфланаётган бирламчи энергия ресурсларини 60% гача тежаш имкони мавжуд бўлиб, тизимда юқори самарадорликка эга қуёш қурилмаларидан фойдаланиш ҳисобига эса бу кўрсаткич янада ошириш мумкин. Шу жиҳатдан юқори самарадор қуёш энергетик қурилмалари асосидаги тизимлардан фойдаланиш, энергетик ва экологик нуқтаи назардан дунёда сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, улардан иқлимий ўзгаришларни бартараф этиш масалаларини ечиш учун фойдаланиш салмоғи долзарб ва зарурий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида иссиқ сув таъминоти тизимларида ясси қуёш сув иситгич коллекторларидан фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, 2021-йилда иссиқ сув таъминоти тизимларида фойдаланилаётган ясси қуёш сув иситгич коллекторларининг умумий ўрнатилган иссиқлик қуввати 501 ГВт (яъни, 715 млн. м²) ва 2011-2021-йиллар даврида улардан фойдаланишнинг йиллик ўсиш суръати 12,85% ни ташкил этган бўлиб², ушбу соҳада долзарб вазифалардан бири қаралаётган коллекторларнинг ўрнатилган бирлик юзасидан максимал иссиқлик энергиясини олиш, уларда кечаётган иссиқлик жараёнларини кўп параметрли моделлаштириш, иш режимлари хусусиятларини оптималлаш, иссиқлик ва гидравлик синовлар ўтказиш тартибини такомиллаштириш ҳамда иссиқ сув таъминоти тизимларида улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада қуёш энергиясини турар-жой бинолари, коммунал-маиший ва ижтимоий объектлар иссиқ сув таъминоти тизимларида иссиқлик манбаи сифатида фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда ясси қуёш сув иситгич коллекторлари ва улар асосида икки контурли қуёший ва қуёший-ёқилғили тизимларнинг янги, юқори самарадорликка эга тизимларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "... иқтисодиётнинг ресурс ва энергия ҳажмдорлигини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ..." ³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, иссиқ сув таъминоти тизимларида юқори самарадорликка эга қуёш сув

¹Фортвов В.Е., Попель О.С. Энергетика в современном мире. - Долгопрудный: Интеллект, 2011. - 168 с.

² «Solar Heat Worldwide. Global Market Development and Trends in 2020. Detailed Market Figures 2019». IEA Solar Heating & Cooling Programme, May 2021.

³Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

иситгич коллекторларидан фойдаланишни кенгайтириш, ички бозорда миллий сертификатга эга бўлган шу турдаги сифатли коллекторлар билан бойитиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 4-ноябрдаги ПҚ-4477-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019-2030 йиллар давридаги "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2019-йил 22-августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича жадал чора-тадбирлар тўғрисида, энергия тежайдиган технологияларни жорий етиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш» қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг IV-«Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси⁴. Ясси қуёш сув иситгич коллекторларида қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириш назарияси ва амалиётини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар дунёдаги бир қатор илмий марказларда, жумладан, Висконсин университети, Миллий қайта тикланувчи энергия лабораторияси (АҚШ), Энергетика тадқиқотлари институти (Хитой), Қуёш энергияси миллий институти (Ҳиндистон), Юқори ҳароратлар қўшма институти (Россия) ва Физика-техника институти ҳамда Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий тадқиқот институтиларида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Дунёда ясси қуёш сув иситгич коллекторлари панелларидаги иссиқлик ва гидравлик жараёнларни илмий тадқиқ қилиш ва уларни иссиқлик-техникавий кўрсаткичларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар J.A. Duffie, W.A. Beckman, S.A. Klein, M.A. Михеев, Б.С. Петухов, О.С. Попел, В.А. Бутузов, Д.С. Стребков, С.Е. Фрид, Р.Б. Байрамов ва А.Д. Ушакова каби чет эл олимларининг раҳбарлигида бажарилган.

Миллий илмий мактаб вакиллари Р.Р. Аvezов, Ю.К. Рашидов, Ш.И. Клычев, Д.Н. Мухитдинов, Е.А. Аббасов, Н.Р. Аvezова, Р.П. Бабаходжаев ва бошқалар томонидан ушбу йўналишда мазкур коллекторлар иссиқлик самарадорлик коэффициентиға нур ютувчи панеллар конструктив, иссиқлик ва гидравлик параметрларининг таъсир даражаси аниқланган.

Бироқ, бу тадқиқотларда, мазкур типдаги коллекторлар нур ютувчи панелларининг иссиқлик самарадорлик коэффициентиға таъсир қилувчи бошқа тенг шароитларда, нур ютувчи панелнинг иссиқлик ютувчи канал девори ички

⁴ Обзор международных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе следующих источников: <http://www.iea-shc.org>; <http://www.ren21.net>; Да Пола А. Возобновляемые источники энергии. Физико-технические основы. М.: «Интеллект» МЭИ, 2010 – 704 с., Kalogirou, S.A., SolarEnergyEngineering, Amsterdam: Elsevier, 2009. – 850 p. и др.

юзаси ва унда айланувчи иссиқлик ташувчи ўртасидаги конвектив иссиқлик алмашилиш коэффициентигасезиларли даражада боғлиқлиги кам ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институтида ФА-Атех-2018 (420+85) «Ясси қуёш сув иситгич коллекторларини синаш учун автоматлаштирилган синов стендларини ишлаб чиқиш ва яратиш» (2018-2020) амалий лойиҳаси ҳамда «Қуёш энергияси халқаро институти» МЧЖда БВ-М-ФЗ-003 «Иссиқлик таъминоти тизимларида қуёш энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий ва муҳандислик асослари» (2017-2020) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: иссиқ сув таъминоти тизимларида ясси қуёш сув иситгич коллекторларининг нур ютувчи панеллари ички каналларидаги иссиқлик ва гидравлик жараёнларни тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ясси қуёш сув иситгич коллекторлари нур ютувчи панеллари ички каналларида конвектив иссиқлик алмашилиш коэффициентини ҳисоблаш ва уни экспериментал тадқиқ этиш;

мазкур типдаги коллекторларнинг шаффоф қопламалари орқали атроф-муҳитга нур ютувчи панеллардан иссиқлик йўқотиш коэффициентини кўп параметрларга боғлиқ равишда математик моделларини ишлаб чиқиш;

ясси қуёш сув иситгич коллекторларининг нур ютувчи панел элементидан унинг ички каналларида айланаётган иссиқлик ташувчига иссиқлик бериш коэффициентининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш ва қийматини аниқлаш;

мазкур типдаги коллекторларнинг нур ютувчи панеллари ички каналларида конвектив иссиқлик алмашилиш жараёнларини улар гидравлик қаршилигини сезиларли оширмаган ҳолда фаоллаштириш усулларини топиш ва тадқиқ қилиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ясси қуёш сув иситгич коллекторларининг япроқ қувурли ва параллелепипедсимон шаклларига эга нур ютувчи иссиқлик алмашилиш панеллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ясси қуёш сув иситгич коллекторларининг нур ютувчи панелларида қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айланиш жараёнлари ва атроф-муҳитга иссиқлик йўқотишлар умумий коэффициенти ҳамда уларда содир бўладиган иссиқлик ва гидравлик жараёнлар қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш учун тадқиқ этилаётган коллекторлар ва уларнинг элементларида қуёш энергиясини қабул қилиш, ютиш ва иссиқлик энергиясига айланиш жараёнларининг физик модели қўлланилиб, уларнинг қийматларини аниқлашда иссиқлик техникаси назарий асослари ва итерацион ҳисоблаш усулларида ҳамда иссиқлик узатиш каналларидаги асосий иссиқлик параметрларини аниқлаш учун иссиқлик жараёнларини моделлаштириш ва гидравлик параметрларни аниқлаш учун табиий шароитда ўтказилган тажрибалар натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ясси қуёш сув иситгич коллекторлари нур ютувчи панеллари ички каналларида ички девори юзасидаги ўртача ҳароратга кўра конвектив иссиқлик алмашилиш коэффициентини аниқлаш имконини берувчи ҳисобий ифодалар таклиф этилган ва асосланган ҳамда мазкур коллекторларнинг солиштирма иссиқлик ишлаб чиқариш миқдорини уларнинг нур ютувчи панеллари иссиқлик узатиш канали материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентига боғлиқ равишда 10,6 % га пасайиши аниқланган;

ясси қуёш сув иситгич коллектори нур ютувчи панелининг шаффоф қопламаси орқали иссиқлик йўқотиш коэффициентини аниқлаш имконини берувчи кўп параметрли математик модел ишлаб чиқилган ва уларнинг қорайтирилганлик даражаси 0,1 дан 0,25 гача ва 0,80 дан 0,90 гача оралиқларда иссиқлик йўқотиш қийматларини аниқлаш учун нисбий хатолиги $\pm 6\%$ ни ташкил қилувчи тегишли аппроксимацияловчи боғлиқликлар олинган;

ясси қуёш сув иситгич коллекторларининг иссиқлик ҳисоби амалиёти ва синовида илк бор янги параметр – коллекторларнинг корпуси фронтал юза бирлигига келтирилган нур ютувчи панелдан ички каналлардаги иссиқлик ташувчига иссиқлик бериш коэффициенти таклиф этилган ва мазкур коллекторлар нур ютувчи панелининг иссиқлик узатиш каналларидаги иссиқлик ташувчининг ламинар қовушқоқ режимига боғлиқ ҳолдаги қийматлари аниқланган;

ясси қуёш сув иситгич коллекторлари нур ютувчи панелининг иссиқлик узатиш каналларида ламинар оқим шароитида бурама тасмалардан фойдаланиб гидравлик қаршилиқ коэффициенти қиймати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ясси қуёш сув иситгич коллекторларида кечаётган иссиқлик ва гидравлик (ламинар-қовушқоқ) жараёнларни тезкор аниқлаш имконини берувчи автоматлаштирилган иссиқлик-гидравлик синов стенди ишлаб чиқилган (O'zDSt ISO 9806: 2020 (ISO 9806:2017, MOD));

ясси қуёш сув иситгич коллекторлари нур ютувчи панелларининг иссиқлик узатиш каналларида иссиқлик бериш коэффициентини 2,5-3 мартача ошириш имконини берувчи бурама тасмалардан фойдаланиш асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги атроф-муҳитнинг узоқ муддатли ўртача метеорологик параметрларидан фойдаланиш, қуёш иссиқлик қурилмалари, ҳисоблаш ва ўлчаш ускуналарининг иссиқлик параметрларини оптималлашнинг замонавий усулларида фойдаланиш, дастлабки маълумотларни бир хил қийматлар билан ҳисоблаш ва тажриба натижаларининг яқин тасодифийлиги, тадқиқот натижаларини маълум ечимлар билан таққослаш ва таклиф этилган боғлиқликлар асосида олиш, шунингдек, амалга оширилган тажрибаларнинг зарурий статистикаси билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ясси қуёш сув иситгич коллектори нур ютувчи панели ички каналларидаги иссиқлик ва гидравлик жараёнларни инобатга олган ҳолда уларнинг иссиқлик ҳисоблаш назарияси ривожлантирилганлиги, ишончли,

юқори самарадорликка эга мазкур коллекторларни ишлаб чиқиш учун уларнинг ички иссиқлик узатиш каналларида кечаётган иссиқлик алмашилиш жараёнларини жадаллаштиришнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ясси қуёш сув иситгич коллектори нур ютувчи панелининг иссиқлик узатиш каналларида иссиқлик ташувчининг ламинар қовушқоқ режимда иссиқлик алмашилишини жадаллаштириш учун янги муҳандислик ёндашуви - иссиқлик узатиш каналларидаги гидравлик қаршилиқни сезиларли оширмасдан ҳисобига конвектив иссиқлик бериш коэффициентини икки-уч баробар ошириш имконини берувчи бурама тасмалардан фойдаланиш таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ясси қуёш сув иситиш коллекторлари панелларидаги иссиқлик ва гидравлик жараёнларни тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Ноанъанавий энергетика. Қуёш энергетикаси. Қуёш коллекторлари. Синов усуллари» О'zDSt ISO 9806: 2020 (ISO 9806:2017, MOD) ишлаб чиқилган ва жорий этилган (ЎзР Энергетика вазирлигининг 2021-йил 22-сентябрьдаги №03-13-5008-маълумотномаси ва Стандартлар институтининг 2021-йил 22-сентябрьдаги № 06/2333-маълумотномаси). Натижада, мазкур типдаги коллекторларни тез ва юқори аниқликда синаш имконини берувчи, шунингдек, уларни сертификатлаш учун лаборатория шаклланишига асос яратилган;

«Қуёший-ёқилғили иссиқ сув таъминот тиими» (FAP 01052) ишлаб чиқилди ва жорий қилинди (Узэлтехсаноат АЖнинг 2021-йил 16 декабрьдаги № 04-1/2356-сонли маълумотномаси). Натижада турар-жой, маиший-хўжалик ва маъмурий иншоотларда сарфланадиган бирламчи ёқилғи-энергетика манбаларининг 60 фоиздан ортиқроғини тежаш имкони яратилган;

«Қуёший-ёқилғили иссиқ сув таъминоти тизими» (FAP 01052), «Ясси қуёший коллекторлар нур ютувчи панеллари шаффоф қопламаси орқали атроф-муҳитга иссиқлик йўқотиш коэффициенти уларнинг қорайтирилганлик даражасига боғлиқлигини ҳисоблаш учун дастур» (DGU 05627), «Қуёш энергетикаси: Атамалар ва таърифлар» О'zDSt 3210:2017 ишлаб чиқилган (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 9-декабрьдаги № 89-03-5137-сонли маълумотномаси). Натижада Тошкент давлат техника университетида «Ноанъанавий энергия манбалари» (бакалавриат ва магистратура) йўналишидаги мутахассислик фанларидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари сифат даражасини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 2 та меъёрий ҳужжат (Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола,

жумладан, 2 та республика ва 8 та хорижий (Scopus маълумотлар базасига кирувчи) илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, қисқача таҳлил ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси ҳақидаги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ясси қуёш сув иситгич коллекторлари нур ютувчи иссиқлик алмашилиш панеллари**» номли биринчи бобида ясси қуёш сув иситгич коллекторлари (ЯҚСК) нур ютувчи иссиқлик алмашилиш панеллари (НИАП)нинг мавжуд конструктив ечимларининг танқидий таҳлили ўтказилган, уларнинг асосий иссиқлик техникавий параметрлари, қуёш нури (ҚН) иссиқлигини ЯҚСК шаффоф қопламаси (ШҚ) орқали ўтиб, қисман ютилиш ва иссиқликка айланиши уларнинг иссиқлик йўқотиш ва иссиқлик самарадорлиги коэффициентига таъсири ўрганилган, ва шу асосда тадқиқот вазифалари шакллантирилган.


«**Ясси қуёш сув иситиш коллекторлари иссиқлик ютувчи иссиқлик алмашилиш панеллари иссиқлик-техник хусусиятлари**» номли диссертациянинг иккинчи бобида ЯҚСК иссиқлик узатиш каналларида (ИУК) конвектив ички иссиқлик алмашилиш коэффициентининг шаклланишини ўрганиш бўйича, иссиқлик ташувчининг ўртача ишчи ҳарорати ва ЯҚСК япроқ қувурли НИАПнинг ИУК ички девор юзасининг ҳарорати бўйича ва шу асосда ЯҚСКнинг солиштирма иссиқлик ишлаб чиқариши миқдорини аниқлашнинг янги усули таклиф этилганлиги бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

ЯҚСК НИАПни ҳисоблаш назариясининг асосий вазифаларидан бири уларнинг ИУК деворлари ички юзасининг конвектив иссиқлик бериш ($\bar{\alpha}_{к_{иц}}$) қийматини аниқлашдир⁵. Маълум мезон тенгламалари ёрдамида иссиқлик алмаштиргичларнинг канал деворларининг ички юзаларини аниқлаш учун, бошқа тенг шароитларда, уларнинг деворлари ички юзаларининг ўртача ҳароратлари талаб қилинади ($\bar{t}_{w_{иц}}$)⁶. Анъанавий иссиқлик алмашинув қурилмаларидан фарқли

⁵ Avezov, R.R., Avezova, N.R., Rakhimov, E.Yu., and Vokhidov, A.U., Determination of the convective heat-exchange coefficient in inner channels of light-absorbing heat-exchange panels of flat-plate solar water-heating collectors based on the results of their short-term thermal testing in full-scale conditions, Appl. Sol. Energy, 2018, vol. 54, no. 1, pp. 10–16.

⁶ Avezov, R.R., Rakhimov, E.Yu., and Mirzabaev, A.M., Calculation of the temperature of the internal surface of the heat-removing channel wall of the ray-absorbing heat-exchange panels of flat-plate solar water-heating collectors, Appl. Sol. Energy, 2017, vol. 53, no. 4, pp. 312–315.

ўларок, ЯҚСКдаги $\bar{t}_{w_{уч}}$ қиймати кўплаб омилар, яъни тўсик элементларнинг иссиқлик техникавий кўрсаткичлари, унинг ШҚ юзаси ва НИАПнинг оптик хусусиятлари, ҚНнинг келиши, атроф мухит ҳарорати ва ҳоказо таъсирида шаклланади. Шунинг учун, ЯҚСК НИАПнинг белгиланган оптик



1-расм. НЮП ва ИУК орасидаги идеал иссиқлик алоқаси мавжуд япроқ қувурли НИАП ЯҚСКнинг ҳисобий принциал схемаси: $D_{ун}$ и $L_{ун}$ - НИАПнинг кенглиги ва узунлиги; $a_{нюп}$ и $\delta_{нюп}$ - мос равишда, НЮП (ён томонлари)нинг кенглиги ва қалинлиги; $d_{таш}$, $d_{чик}$ ва δ_w - мос равишда, ташқи, ички диаметри ва ИУК деворининг қалинлиги.

хусусиятлари қийматлари ва иссиқлик техникавий кўрсаткичлари орқали уларда кечаётган иссиқлик жараёнларини моделлаштириш йўли билан $\bar{t}_{w_{уч}}$ қийматини аниқлаш оқилона ҳисобланади.

Қуйилган вазифадаги олинган ечимнинг умумийлигини таъминлаш мақсадида нур ютувчи панел (НЮП) ва ИУКдаги иссиқлик алоқаси идеал бўлган япроқ қувурли НИАП ЯҚСК кўриб чиқилган (1-расмга қаранг). Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, ЯҚСКнинг япроқ қувур шаклидаги НИАПни ҳисобий қиймати ясси оқимли НИАПнинг кўпчилик конструкциялари учун амал қилади.

ЯҚСКнинг япроқ қувурли НИАП иссиқлик баланс тенгламаларини

$$q_{фой} = \frac{(2a_{нюп}\eta_{нюп} + d_{таш})}{2a_{нюп} + d_{таш}} \left[q_{ютувр}^{\Sigma} - K_{келр-ат} (\bar{t}_{w_{таш}} - t_{ат}) \right], \quad (1)$$

ва

$$q_{фой} = \frac{\lambda_{\delta}}{\delta_{\delta}} \frac{P_{w_{ўр}}}{2a_{нюп} + d_{таш}} (\bar{t}_{w_{таш}} - t_{w_{уч}}). \quad (2)$$

биргаликда ечиш асосида $\bar{t}_{w_{уч}}$ қийматини қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\bar{t}_{w_{уч}} = t_{ат} + \frac{q_{ютул}^{\Sigma}}{K_{келр-ат}} - (\dot{m}c_p)_f (t_{фчик} - t_{фкуп})^* \quad (3)$$

$$* (2a_{нюп} + d_{таш}) \left[\frac{1}{K_{келр-ат} (2a_{нюп}\eta_{нюп} + d_{таш})} + \frac{\ln \frac{d_{таш}}{d_{чик}}}{2\pi\lambda_w} \right],$$

ва олинган (3) ифода асосида горизонтга нисбатан қия бўлган ЯҚСКнинг япроқ қувурли НИАП деворларининг ички юзаларида конвектив иссиқлик алмашилиш коэффициентининг қийматини аниқлашнинг контактсиз усули таклиф этилган:

$$\bar{\alpha}_{к_{уч}} = \frac{(\dot{m}c_p)_f (t_{фчик} - t_{фкуп}) (2a_{нюп} + d_{таш}) L_{ун}}{K_{тўл} \pi d_{уч} \ell_{уук} (\bar{t}_{w_{уч}} - \bar{t}_{f_{\ell}})}. \quad (4)$$

Бу ерда:

$$\dot{m}_f = \frac{G_f}{F_{олд}} \quad (5)$$

- НИАП орқали солиштирма (ЯҚСК фронтал юзасининг бирлик майдонига келтирилган) сув сарфи; $c_{p_f} = 4186,8 \text{ Дж}/(\text{кг}^\circ\text{C})$ - сувнинг солиштирма иссиқлик сифими;

$$K_{мўл} = \frac{F_{ун}}{F_{фр}} \quad (6)$$

- қаралаётган коллекторнинг тўлдириш коэффициенти; $t_{f_{кир}}$ ва $t_{f_{чик}}$ - мос равишда, коллекторга кирувчи (совук) сувнинг ва чиқувчи иссиқ сувнинг ҳароратлари; \bar{t}_{f_ℓ} - ўрта ИУК узунлиги бўйлаб қиздириладиган сувнинг ўртача массавий ҳарорати; $\ell_{уук}$ - ИУК узунлиги; $2a_{нюп}$ - НЮП нинг қувурлар аро масофаси.

(3) ифодадаги $\bar{t}_{w_{ич}}$ қийматини $\bar{\alpha}_{к_{ич}}$ ни аниқлаш бўйича (4) ифодани инобатга олган ҳолда қўйидаги ифодани оламиз:


$$\bar{\alpha}_{к_{ич}} = \frac{(\dot{m}c_p)_f}{K_{мўл}\pi d_{ич}\ell_{уук}} \frac{(2a_{нюп} + d_{таш})L_{ун}}{\left(\ln \frac{\frac{q_{ютилр}^\Sigma}{K_{кел\ p-am}} + t_{ам} - t_{f_{чик}}}{\frac{q_{ютилр}^\Sigma}{K_{кел\ p-am}} + t_{ам} - t_{f_{кир}}} \right)^{-1} - \frac{(\dot{m}c_p)_f}{K_{кел\ p-am}} \frac{2a_{нюп} + d_{таш}}{2a_{нюп}\eta_{нюп} + d_{таш}}}. \quad (7)$$

Тадқиқ этилаётган ЯҚСК НИАП ИУКнинг деворлари ички юзасининг ўртача ҳарорати $\bar{t}_{w_{ич}} = 48,1^\circ\text{C}$ ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда қаралаётган коллекторларнинг НИАП ички ИУКдаги конвектив иссиқлик алмашиниш коэффициенти $\bar{\alpha}_{к_{ич}}$ қиймати $385,48 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \text{ }^\circ\text{C})$ ва НИАП иссиқлик самарадорлиги коэффициенти ($\eta_{ун}$) нинг қиймати эса $0,87$ ни ташкил этиши аниқланган. Олинган ҳисоблаш натижалари Петухов ва Авезова томонидан таклиф этилган иссиқлик самарадорлик коэффициентини аниқлаш борасида қийматлар фарқи ($0,6\%$) яқинлиги $\bar{\alpha}_{к_{ич}}$ қийматини аниқлаш бўйича таклиф этилган янги муҳандислик ёндашув усулининг ишончлилигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг учинчи «**Ясси қуёш сув иситгич коллекторлари нур ютувчи иссиқлик алмашиниш панелларидаги иссиқлик йўқотиш жараёнларини моделлаштириш**» бобида ташқи ҳавонинг нисбий намлигини ва ЯҚСКнинг горизонтга нисбатан қиялик бурчагини унинг корпуси ШҚ орқали атроф-муҳитга иссиқлик йўқотиш ($K_{шк\ p-am}$) жараёнларини моделлаштириш бўйича изланиш натижалари келтирилган, шунингдек, $K_{шк\ p-am}$ қийматини аниқлаш учун аппроксимацияловчи боғлиқликлар тақдим этилган.

ЯҚСКда $K_{шк\ p-am}$ қиймати одатда НИАП фронтал юзасидан ШҚ ички юзасига келтирилайтган йиғинди (конвектив-кондуктив ва нурланиш) иссиқлик

оқими ($q_{xk p-w_1}^\Sigma$) ва қаралаётган ШҚ ташқи юзасидан атроф-муҳитга чиқарилаётган йиғинди (конвектив ва нурланиш) иссиқлик оқими ($q_{ташқуу_2-am}^\Sigma$) нинг таъсирида шаклланади (2-расмга қаранг), ва қуйидаги ифодалар орқали аниқланади:



2-расм. ЯҚСКнинг бир қатламли ШҚ орқали иссиқлик оқимлари принципиал схемаси: 1-ШҚ; 2-ёпиқ ҳаво қатлами; 3-НИАП; 4-корпуснинг иссиқлик изоляцияси.

$$q_{xk p-w_1}^\Sigma = (\alpha_{xk p-w_1}^k + \alpha_{xk p-w_1}^h)(\bar{t}_p - t_{w_1}) \quad (8)$$

ва

$$q_{ташқуу_2-o}^\Sigma = (\alpha_{ташқуу_2-o}^k + \alpha_{ташқуу_2-o}^h)(t_{w_2} - t_{am}) \quad (9)$$

(8) ва (9) ифодаларда $\alpha_{xk p-w_1}^k$ ва

$\alpha_{xk p-w_1}^h$ - мос равишда, ШҚнинг ички сирти ($ш_1$) ва НИАПнинг қорайтирилган юзаси (p) орасидаги ёпиқ ҳаво қатламининг конвектив (k) ва нурланиш (h) иссиқлик алмашилиш коэффициентлари; $\alpha_{ташқуу_2-am}^k$ ва $\alpha_{ташқуу_2-am}^h$ -

мос равишда, ШҚнинг ташқи юзаси ($ш_2$) орқали атроф-муҳитга ($ат$) конвектив (k) ва нурланиш (h) иссиқлик бериш коэффициентлари; t_{w_1} и t_{w_2} - мос равишда, ШҚнинг ички (НИАПга қаратилган) ва ташқи (атроф-муҳитга қаратилган) юзаларидаги ҳароратлар.

ШҚнинг ички юзасидан (w_1) унинг ташқи юзасига (w_2) иссиқлик ўтказувчанлик орқали узатиладиган иссиқлик оқимининг қиймати

$$q_{w_1-w_2} = \frac{\lambda_{ш}}{\delta_{ш}}(t_{w_1} - t_{w_2}), \quad (10)$$

ифодадан аниқланади. (10) ифода ШҚда ички иссиқлик манбаи (ИИМ) бўлмаган ҳолда, иккинчи тартибли стационар иссиқлик ўтказувчанлигининг, қуйида келтирилган биринчи турдаги чегаравий шартлардаги бир ўлчовли дифференциал тенгламасини

$$\left. \begin{aligned} \frac{d^2 t_x}{dx^2} = 0 \\ x=0 \text{ бўлганда } t_x = t_{w_1} \\ x = \delta_{ш} \text{ бўлганда } t_x = t_{w_2} \end{aligned} \right\}, \quad (11)$$

ечиш асосида олинган.

Энергиянинг сақланиш қонунига кўра, уч иссиқлик оқимининг қийматлари ўзаро тенг, яъни

$$q_{xk p-w_1}^\Sigma = q_{w_1-w_2} = q_{ташқуу_2-am}^\Sigma. \quad (12)$$

(8), (9) ва (10) ифодаларнинг $q_{xk p-w_1}^\Sigma$, $q_{w_1-w_2}$ ва $q_{ташқуу_2-am}^\Sigma$ қийматларини мос равишда (12) тенгликка келтириб қўйиш орқали қуйидаги ифодани олиш мумкин:

$$q_{w_1-w_2} = K_{w_1-w_2}(\bar{t}_p - t_{am}), \quad (13)$$

бу ерда

$$K_{u_{p-am}} = \left(\frac{1}{\alpha_{xk_{p-ш1}}^k + \alpha_{xk_{p-ш1}}^h} + \frac{\delta_{ш}}{\lambda_{ш}} + \frac{1}{\alpha_{таш_{ш2-am}}^k + \alpha_{таш_{ш2-am}}^h} \right)^{-1} \quad (14)$$

- ЯҚСК корпусининг бир қатламли ШҚ орқали атроф-муҳитга НИАПнинг қорайтирилган сиртидан иссиқлик йўқотиш коэффициентидир.

Шундай қилиб, $K_{u_{p-am}}$ қийматини \bar{t}_p , ε_p , t_{am} , φ_o , ϑ ва $\delta_{xk_{p-ш1}}$ қийматларига боғлиқ равишда ҳисоблаш учун таклиф этилган иссиқлик моделининг асоси (8), (9), (10) ва (11) тенгламалар системаси ташкил этади, сўнгги қийматни аниқлаш бўйича ҳисоблашлар итерацион усул асосида бажарилади ҳамда уларни аналитик шаклда амалга ошириш натижаси (14) ифодада келтирилган ечимдир. $K_{u_{p-am}}$ ни аниқлаш бўйича итерацион ҳисоблашлар жараёни кўп параметрли масала бўлганлиги боис, ЯҚСК НИАПнинг ШҚ орқали атроф-муҳитга иссиқлик йўқотиш коэффициентини уларнинг қорайтирилганлик даражасига боғлиқлигини ҳамда ЯҚСКларнинг оптимал параметрларива ташқи омилларга, яъни ўртача ишчи ҳарорат, атроф-муҳит ҳарорати ва намлиги, ҳамда шамол тезлиги таъсирини инобатга олган ҳолда аниқлашнинг автоматлаштирилган ҳисоблаш ишларини амалга ошириш мақсадида, алгоритм ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган (DGU №05627). \bar{t}_p , ε_p , t_{am} , φ_o , ϑ ва $\delta_{xk_{p-ш1}}$ параметрлари қийматларининг $K_{u_{p-am}}$ қийматига боғлиқлигини аниқлаш бўйича сонли таржибалар натижаларини умумлаштириш асосида аппроксимацияловчи аналитик боғлиқликлар олинган, жумаладан:

- $0,1 \leq \varepsilon_p \leq 0,25$ оралиғида

$$K_{u_{p-am}} = 1,9414 + 0,0047 \bar{t}_p - 0,013 t_{am} - 1,2521 \varphi_o + 4,5188 \varepsilon_p + 0,055 \vartheta + (196,7005 - 5479,4246 \delta_{xk_{p-ш1}}) \delta_{xk_{p-ш1}}, \text{Вт} / \text{м}^2 \cdot \text{°C} \quad (15)$$

- $0,80 \leq \varepsilon_p \leq 0,95$ оралиғида

$$K_{u_{p-am}} = 3,4315 - 0,0128 \bar{t}_p + 0,0208 t_{am} - 1,7715 \varphi_o + 2,6752 \varepsilon_p + 0,1671 \vartheta + (88,89 - 2208,9397 \delta_{xk_{p-ш1}}) \delta_{xk_{p-ш1}}, \text{Вт} / \text{м}^2 \cdot \text{°C} \quad (16)$$

1-жадвалда $K_{u_{p-am}}$ қийматини аниқлаш бўйича олинган натижалар таҳлили келтирилган.

1-жадвал

$K_{u_{p-am}}$ нинг шамол тезлиги (v), ташқи ҳавонинг намлиги (φ_o) ва НИАПнинг қорайтирилганлик даражасига (ε_p) боғлиқлиги
($\varepsilon_{ш}=0,88$, $\bar{t}_p=60^\circ\text{C}$, $t_{ат}=30^\circ\text{C}$, $\varphi_o=0,3$, $\delta_{xk_{p-ш1}}=0,015$ м ва $v=3$ м/с бўлганда)

Коэффициентлар	ε_p	v (2 дан 6 м/с гача)	φ_o (0,15 дан 0,6 гача)
$K_{u_{p-am}}, \text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{°C})$	3,0028 (ε_p нинг 0,1 дан 0,95 гача ўсиши) 80,46%га ўсади	0,22 ($\varepsilon_p=0,1$ бўлганда) 5,98%га ўсади	0,56 ($\varepsilon_p=0,1$ бўлганда) 22,38%га камаяди
		0,66 ($\varepsilon_p=0,95$ бўлганда) 10,18%га ўсади	0,79 ($\varepsilon_p=0,95$ бўлганда) 12,85%га камаяди

Шу ўринда, ЯҚСК НИАПнинг самарадорлик коэффиценти ($\eta_{ип}$) ва улардаги умумий иссиқлик йўқотиш коэффиценти ($K_{келр-ат}$) билан бир қаторда, ЯҚСКнинг яна бир энг муҳим параметрларидан бири—унинг корпуси фронтал юза бирлигига келтирилган НЮПдан ИУКдаги иссиқлик ташувчига иссиқлик бериш коэффиценти ($K_{келр-f}$) келтирилган ва қуйидагича аниқланади:

$$K_{келр-f} = \frac{q_{фой}}{\bar{t}_p - \bar{t}_{f_l}}, \quad (17)$$


бу ерда $q_{фой}$ —ЯҚСК солиштира (корпуснинг бирлик юзасига келтирилган) оний иссиқлик ишлаб чиқариши; \bar{t}_p - ўртача ишчи ҳарорати.

$K_{келр-f}$ нинг шаклланиш қонуниятини ўрнатиш учун \bar{t}_p ва \bar{t}_{f_l} дан функция шаклида ёзилган ЯҚСКнинг солиштира оний иссиқлик ишлаб чиқаришини аниқлаш ифодаларидан фойдаланилган ҳолда

$$q_{фой} = q_{йўтлр}^{\Sigma} - K_{келр-ат}(\bar{t}_p - t_{ат}), \quad (18)$$

$$q_{фой} = \eta_{ип} \left[q_{йўтлр}^{\Sigma} - K_{келр-ат}(\bar{t}_{f_l} - t_{ат}) \right], \quad (19)$$

мос равишда, ва уларни $(\bar{t}_p - t_{ат})$ ва $(\bar{t}_{f_l} - t_{ат})$ га нисбатан ечиш орқали ЯҚСК корпуси фронтал юзаси бирлик майдонига келтирилган НЮПдан ИУКдаги айланаётган иссиқлик ташувчига иссиқлик узатиш коэффиценти аниқловчи ифодани оламиз:



3-расм. Параллелипипед шаклидаги НЮП учун $K_{келр-f}$ нинг $\frac{\delta_w}{\lambda_w}$ дан боғлиқлиги.

япроқ қувурли НИАП учун

$$K_{келр-f} = \frac{\eta_{ип} K_{келр-ат}}{1 - \eta_{ип}}, \quad (20)$$

параллелепипед шаклидаги НИАП учун

$$K_{келр-f} = \left(\frac{\delta_w}{\lambda_w} + \frac{1}{\alpha_{кич}} \right)^{-1}. \quad (21)$$

3-расмда $K_{келр-f}$ нинг $\frac{\delta_w}{\lambda_w}$ га


боғлиқлиги юпқа параллелипипед шаклидаги НЮП ЯҚСК

$\alpha_{кич} = 53,2 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^{\circ}\text{C})$ га тенг қийматида келтирилган. Ушбу боғлиқликдан кўриниб турибдики, иссиқликка чидамли япроқ пластиклар учун $\frac{\delta_w}{\lambda_w}$ қийматининг $4 \cdot 10^{-6} \text{ м} \cdot ^{\circ}\text{C}/\text{Вт}$ дан $2 \cdot 10^{-3} \text{ м} \cdot ^{\circ}\text{C}/\text{Вт}$ гача ўзгариши $K_{келр-f}$ қийматининг фақатгина 10,6% га пасайишига олиб келиши кузатилмоқда.

$q_{р-ш_1}$ ва $q_{шр-ат}$, ҳамда $q_{ш_2-ат}$ ва $q_{шр-ат}$ солиштира иссиқлик оқимилари қийматларининг тенглиги асосида олинган ЯҚСКнинг ШҚ ички ва ташқи сиртларидаги ҳароратларни аниқлаш учун қуйидаги ифодалар келтирилган:

$$t_{ш_1} = \bar{t}_p - \frac{K_{шр-ат}^{(1)} (\bar{t}_p - t_{ат})}{\alpha_{хкр-ш_1}^к + \alpha_{хкр-ш_1}^н}, \quad (22)$$

$$t_{ш_2} = t_o + \frac{K_{шр-ат} (\bar{t}_p - t_{ат})}{\alpha_{ташш_2-ат}^к + \alpha_{ташш_2-ат}^н}. \quad (23)$$



4-расм. $t_{ш1}$ (1) ва $t_{ш2}$ (2) v_x га $\epsilon_p=0,15$ ва $\epsilon_p=0,95$ тенг бўлгандаги шамол тезлигига боғлиқлиги.


муҳитга НИАПнинг қорайтирилган юзасидан иссиқлик йўқотишларини камайтиришнинг асосий усулларида бири ϵ_p нинг $\epsilon_{ш}$ га нисбатан паст қийматларига эришишдир.

Амалиётда мавжуд бўлган ЯҚСКнинг иссиқлик ҳисоби назариясида ЯҚСК корпусининг ШҚ орқали НИАПнинг иссиқлик йўқотиш коэффициентига нисбий намликнинг таъсири эътибордан четда қолади. Бироқ, қуйида келтирилган

$$\alpha_{Ташш2-ат}^H = 0,5\epsilon_{ш}\sigma\tau_a (T_{ш2}^2 + T_{осм}^2)(T_{ш2} + T_{осм})[1 + \cos\alpha + \rho_3(1 - \cos\alpha)] \frac{t_{ш2} - t_{ат}}{t_{ш2} - t_{осм}}, \quad (24)$$

$$T_{осм} = T_0 [0,711 + 0,0056t + 0,000073t_{тр}^2 + 0,013\cos\omega z]^{0,25}, \quad (25)$$

$$t_{тр} = 235 \frac{\lg \varphi_0 + \frac{7,45t_{ат}}{235 + t_{ат}}}{7,45 - (\lg \varphi_0 + \frac{7,45t_{ат}}{235 + t_{ат}})}. \quad (26)$$




6-расм. $K_{шp-ат}$ ни $\epsilon_p=0,05; 0,30; 0,95$ бўлганда φ_0 га боғлиқлиги.

қийматларидаги $\alpha_{Ташш2-ат}^H$ нинг φ_0 га боғлиқлиги асосида аниқлаш бўйича ҳисоблаш натижалари 6-расмда келтирилган.

4-расмда $t_{ш1}$ ва $t_{ш2}$ нинг шамол тезлиги v га боғлиқлигини аниқлаш бўйича ҳисоблаш натижалари келтирилган бўлиб, $t_{ш1}$ ва $t_{ш2}$ қийматлари НИЯП қорайтирилган сиртининг нурланиш қобилятига боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

Ҳисоблашларнинг якуний натижаси $K_{шp-ат}$ ни $\epsilon_{ш}=0,88$ бўлганда v ва ϵ_p га боғлиқлик графиги 5-расмда келтирилган ҳамда ҳисобий натижалар таҳлиliga кўра, ЯҚСК корпусининг ШҚ орқали атроф-




5-расм. $K_{шp-ат}$ ни шамол тезлигига боғлиқлиги.

ифодалардан $\alpha_{Ташш2-ат}^\Sigma$ нинг нури ташкил этувчиси (яъни $\alpha_{Ташш2-ат}^H$) бошқа тенг шароитларда осмоннинг хароратига ($T_{осм}$) боғлиқ, $T_{осм}$ қиймати эса ўз навбатида $T_{ат}$ га ва ҳавонинг нисбий намлиги (φ_0) га боғлиқдир.

$K_{шp-ат} = f(\varphi_0)$ боғлиқлигини ЯҚСК корпусининг бир қатламли ШҚнинг $t_p=60$ °C, $t_{ат}=30$ °C, $v=3$ м/с, $\alpha=30^\circ$ ва $\epsilon_{ш}=0,88$, ҳамда ϵ_p 0,05; 0,30 ва 0,95

$\varepsilon_p=0,05$ да φ_0 нинг 0,25 дан 0,80 гача ўсиши $K_{шp-ат}$ қийматининг 6,12 дан 5,55 $Bm/(m^{2o}C)$ гача (10,3% га), $\varepsilon_p=0,3$ да – 4,37 дан 4,12 $Bm/(m^{2o}C)$ гача (6,1% га) ва $\varepsilon_p=0,95$ да – 3,30 дан 2,90 $Bm/(m^{2o}C)$ гача (13,8% га) пасайишига олиб келади.




7-расм. $K_{шp-ат}$ ни $t_p=50 \text{ }^\circ\text{C}$ ва $70 \text{ }^\circ\text{C}$, $\varepsilon_p = 0,05; 0,30; 0,95$ қийматларида қиялик бурчаги α боғлиқлиги

(15) ифода асосида олинган аниқ натижалари билан солиштирилгандаги максимал нисбий хатолиги $\pm 6,0\%$ ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Ясси қуёш сув иситгич коллекторлари нур ютувчи иссиқлик алмашиш панелларидаги иссиқлик-гидравлик жараёнларни ҳисобий-экспериментал тадқиқ қилиш**» номли тўртинчи бобида ЯҚСКнинг япроқ қувурли НИАПларида гидравлик қаршилик коэффициентининг шаклланиши бўйича лаборатория шароитида олинган экспериментал тадқиқот натижалари, иссиқлик ташувчининг ламинар режим оқидамида ЯҚСКнинг япроқ қувурли НИАПлари ички ИУКдаги конвектив иссиқлик алмашиши коэффициентини ошириш, шунингдек, иссиқ сув таъминоти тизимларида ЯҚСК НИАПларининг ички каналларидаги иссиқлик-гидравлик жараёнларни тадқиқ қилиш бўйича олинган натижаларнинг амалий татбиғи келтирилган.

Жаҳон амалиётида, бошқа турдаги иссиқлик алмаштиргичлар каби ЯҚСК НИАП ички ИУКларида қовушқоқ режимда конвектив иссиқлик алмашишини кучайтириш йўлларида бири, бу уларнинг гидравлик қаршилигини сезиларли оширмасдан ўзгариши деворнинг ички сиртида ҳосил бўлувчи иссиқлик чегара қатламга таъсири ҳисобланади ва фойдаланиш учун энг мақбул ечим бурама тасмалар саналади (8-расм. а), б), в)га қаранг). Шу билан бирга сув оқимининг бурилиши ИУКнинг бутун узунлиги бўйлаб узлуксиз сақланади, бу эса тезликнинг тангенциал ва ўқ бўйлаб компонентлари нисбатларининг доимийлигини таъминлайди.




8-расм. Бурама тасмалар : а –олд тарафдан кўриниши; б- тайёрланган $h/d = 6, 8, 10$ ли бурама тасмалар; в- ИУКда жойлашган бурама тасмаларнинг кўриниши.

ЯҚСК НИАПлардаги ишқаланишга нисбатан гидравлик қоэффицентини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш учун 9-расм а) ва б) да келтирилган принципиал схема асосида Лаборатория стенди ишлаб чиқилди, ҳамда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандарти O'zDSt ISO 9806:2020 (ISO 9806:2017, MOD) асосида экспериментал тадқиқот ўтказиш учун услуб ва тажриба ўтказиш тартиби ишлаб чиқилди.

